

# **ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-1/3**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

**Бош муҳаррир:***Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Таҳрир хайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>
<i>Аззамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.</i>	<i>Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>
<i>Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Эичанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Каримов Улғубек Темирбаевич, DSc</i>	<i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.</i>	<i>Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	
<i>Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1/3 (97), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 149 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

**МУНДАРИЖА**  
**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<b>Alieva N.</b> Conceptual foundations for the study of phraseological units and collocations in english, russian and uzbek	5
<b>Aytmuratov A.M.</b> Raqamli texnologiyalar sohasidagi yangi terminlarning til ilmi sohasidagi ahamiyati	7
<b>Bekmurodova F.N.</b> Translation issues of linguacultural concepts in novels	11
<b>Haydarov A.A., Mansurova D.</b> So'zlashuv va badiiy nutqda intonatsiyaning roli	14
<b>Haydarov A.A., Mo'minova R.</b> Antroponimlarni tahliliy o'rganish	17
<b>Haydarov A.A., Ro'ziyeva N.</b> Konnotativ ma'noning nutq birliklarida ifodalanishi	19
<b>Haydarov A.A., Sattorova Sh.</b> Modallikning ifoda vositalari	22
<b>Husaynova M.M.</b> O'zbek milliy latifalari matnining leksik-stilistik xususiyatlari	24
<b>Ishqobilova H.</b> The concept of value in linguistic culture and its brief analysis within the concepts of "hospitality and solidarity"	26
<b>Ismoilova O.I.</b> HNP <sub>2</sub> komponenti o'rinda kelgan ikki valentli elementlar ifodalagan sintaksemlar	29
<b>Jurayeva N.G.</b> Mumtoz she'riyatning nazm tuzilishiga bir nazar	33
<b>Khakimova M.F.</b> The literary translation of the passage from A. Mukhtar's novel "Platan"	37
<b>Kutlimuratova G.K.</b> Konsepsiya maydon qurilishi haqida	40
<b>Makhammadov B.</b> Ingliz tilidagi AOTMI terminlarining genetik xususiyatlari	42
<b>Mahmudjonova M.X.</b> Sintaktik sathda valentlik nazariyasi haqida ayrim mulohazalar	47
<b>Mavlonova M.M.</b> Pedagogical strategies of improving english in andragogy education	50
<b>Minniqulov I.U.</b> Tilshunoslikda aksiologik yondashuvning nazariy-metodologik asoslari	53
<b>Mirzazoda D.M.</b> O'zbek tilida suyish funksional-semantik ma'nosining gender xususiyatlari	56
<b>Nurjanov O.</b> O'zbek tili etnografik leksikasining dialektal xususiyatlarini o'rganish muammosi	60
<b>Qodirova M., Soqiyeva Sh.</b> Pronominal murojaat shakllarida implikaturaning roli	62
<b>Qulniyozova Sh.N., Uralova O.P.</b> O'zbek va ingliz tillarida kosmonimlar hosil bo'lishining linguokulturologik xususiyatlari	65
<b>Sabirova N.E.</b> Xorazm dostonchiligi rivojida Ustoz-shogirdlik an'analari	67
<b>Saparova Q.O., Irgasheva U.A.</b> Xitoy tiliga oid til materiallarini baholash xususiyatlari haqida	71
<b>Sapayeva F.N.</b> Xorijiy tillarni (ingliz tili) o'zlashtirishda o'yinlar orqali og'zaki nutqni rivojlantirish	74
<b>Shokarimova K.A.</b> Poetik matnlarda vizualizatsiya darajalari	77
<b>Sobirov M.M.</b> About learner's dictionaries of uzbek language	79
<b>Turdimurodov S.</b> Evfemik graduonimiyada aynanlik va farqlilik tamoyili	82
<b>Ubaydullayeva Z.H.</b> Hissiyot tushunchasi va hissiyotlar lingvistikasi	85
<b>Xusainova Sh.E.</b> Tibbiyot sohasi misolida termin va tushuncha munosabati	89
<b>Абдувалиев М.А.</b> Ўзбек тилида тўсиқсизлик концептини воқелантирувчи лексик birliklar	92
<b>Азимов У.С.</b> Одний фольклоризм: таржима ва аслият	94
<b>Бегимов О.Т.</b> Сарик сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда қўлланиш хусусиятлари	97
<b>Вахабова М.Т.</b> Становление лингвокультурологии как самостоятельной научной дисциплины	101
<b>Есемуратова У.Х.</b> «Давлетярбек» достони ва достондаги образлар	104
<b>Казаков И.Р.</b> Қорақалпоқ тилшунослигида лингвокультурологик талқинлар	106
<b>Мадалов Н.Э.</b> Инглиз ва ўзбек тилларидаги табиат ҳодисаси билан боғлиқ мақолларда синоним ва антоним муносабатларини ифодаланиши	110
<b>Мамурова М.М.</b> "Ғазнавийлар" романида халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни ва туш мотиви	114
<b>Мақсетова З.Ш., Джолдасова Г.Б.</b> Инсон интеллектуал қобилиятин ифодаловчи фразеологик birliklar таҳлили	117
<b>Минаварова Г.М.</b> Заимствование – как процесс развития языка	120



<b>Низомова Ш.Ш.</b> Замонавий шеърятда сув ва олов билан боғлиқ образларнинг поэтик вазифаларда ифодаланиши	122
<b>Рузиева М.Х.</b> Замонавий тилшуносликда лисоний шахс тушунчаси	125
<b>Сарсенбаев Қ.Ж. Т.Қайипбегеновнинг “Муғаллимге раҳмет” повести</b>	128
<b>Султанова З.С.</b> Умар Хайём рубоиёти таржималарининг хусусиятлари	131
<b>Тухтасинова Н.Б.</b> Научно-теоретические основы исследования агнографических произведений	136
<b>Убайдуллаева Д.Р.</b> Шарт компонентли гипотаксемаларнинг семантик ва коммуникатив-прагматик турлари кийёсий тадқиқи	143
<b>Хайдаров А.А., Юнусова М.</b> Полисемиянинг асосий манбалари	145

бирликларининг прагматик аспектини қиёсий таҳлил қилишда қуйидаги масалалар эътиборга олинди: шарт конструкциялари прагматик аспектининг мулоқот жараёнидаги тадқиқи, уларни сўзловчининг коммуникатив-прагматик мақсадига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, шарт формаларининг прагматик хусусиятларини белгиловчи контекстуал омилларни аниқлаш, уларнинг прагматик функцияларини ўрганиш ва мулоқот иштирокчиларига прагматик таъсири каби масалалар.

Шарт маъно билдирувчи конструкциялар фақатгина шарт муносабат эмас, балки яширин прагматик маъно ҳам билдириши мумкин бўлиб, бундай прагматик маъно турлари фақатгина контекстда юзага чиқади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Angeliki A., Rene D. Pragmatic conditionals. Thessaloniki: Aristotle University, 1996.
2. Ch. Dickens. Oliver Twist. Penguin Books Paperback, 2003. 608.
3. Denis J. Hilton., Jean-François Bonnefon. Pragmatics at Work: Formulation and Interpretation of Conditional Instructions. Toulouse: Universite Toulouse, 2011.
4. E. Hemingway. A Farewell to Arms. – Л.: Просвещение, 1971
5. Hornby, A. S., & Wehmeier, S. (Ed.). (2000). Oxford's advanced learner's dictionary of current English (6th ed.). Oxford: Oxford University Press
6. M. Mohammadi, J. Fischer, M. Langner & R. Klabunde. 2018. Conveying the user's intention by generating speech act conditionals as indirect answers. Proceedings of KONVENS 2018.
7. Manfred Krifka. Biscuit Conditionals as Anticipatory Speech Acts// Workshop —Biscuit Conditionals. Universität Hamburg, 2017.
8. Richard A. Young. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory// Grace Theological Journal, Vol 10, Issue 1, 1989.
9. THE SUNDAY TIMES. APR 25 2003.
10. The New York Times. May. 21, 2009
11. W. Collins. The woman in white M.: Visshaya shkola, 1973
12. А.Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. "Шарк", 2013 182 б.
13. П.Қодиров. Юлдузли туллар. Т.: Ўқитувчи нашриёт матбуоти, 2018. 214 б.
14. С.Ахмад. Уфк. Трилогия. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 222 б.
15. Ч.Айтматов. Асрга татигулик кун. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 85 б.
16. Хошимов Ф.М. Сложноподчиненные предложения с придаточными цели в разносистемных языках. – М. 1982
17. Хошимов Ф. М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Т.: Фан, 1991
18. Хошимов Ф. М. Типология сложного предложения в разносистемных языках. – Т. 2002
19. G'orrogova, N., & Ubaydullayeva, D. (2022). A communicative pragmatic study of means of expressing directive speech acts in english and uzbek languages. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(12), 825-827.
20. Ubaydullayeva, D., & Raxmonqulova, M. (2022). development of social direction in linguistics. *Science and Innovation*, 1(6), 869-873.
21. Ubaydullayeva, D., & Qayumova, S. (2022). O'zbek Xalq Maqollarining O'zbek Folklorshunosligida O'rganilishi. *Miasto Przyszłości*, 30, 133-134.

УЎК 81.119

#### ПОЛИСЕМИЯНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

*А.А.Хайдаров, проф., ф.ф.н., Бухоро Давлат Университети, Бухоро*  
*М.Юнусова, магистрант, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида полисемия ҳодисаси ҳақида, унинг асосий манбалари эвфемизм ва дисфемизмлар натижасида юзага келадиган маънолари ҳақида фикр юритилди.

**Калит сўзлар:** полисемия, полисемантик сўзлар, эвфемизм, дисфемизм лексик қатлам, сўз ясаш, экстралингвистик интралингвистик

**Аннотация.** В данной статье рассматривается явление полисемии в английском и узбекском языках, основными ее источниками являются эвфемизмы и дисфемизмы.

**Ключевые слова:** полисемия, многозначные слова, эвфемизм, дисфемизм, лексический состав, словообразование, экстралингвистический, интралингвистический

**Abstract.** This article discusses the phenomenon of polysemy in English and Uzbek, its main sources are euphemisms and dysphemisms.



**Key words:** polysemy, polysemantic words, euphemism, dysphemism, lexical structure, word formation, extralinguistic, intralinguistic.

Замонавий тилшуносликда полисемия, яъни кўп маънолиликни инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тилшунослар ушбу лингвистик тушунчага турлича ёндашиб, тил луғат составининг бойиш манбаларидан бири сифатида қарайдилар.

Полисемия, деб ёзади А.Хожаев – грекча *poly* –кўп +*sema* – белги. Тил бирликларининг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши, кўп маънолилик<sup>1</sup>.

Полисемия ҳодисаси барча тилларда ҳам салмоқли ва муҳим ўрин эгаллайди. Тилнинг бойлиги фақат сўзлар, сўз бирикмалари, иборалар миқдори билан эмас, балки тилда полисемантик сўзлар миқдори билан белгиланади. Сўзларнинг кўп маънолилиги тилнинг бойиш манбаларидан бири ҳисобланади.

Полисемия ва омонимия ҳодисалари бир-бирига ўхшаб кетади. Полисемантик сўзлар ўз туркумида бир неча лексик маънога эга бўлишида кузатилади. Ушбу лексик маънолар ўзаро бир-бир билан ҳамма вақт семантик жиҳатдан боғликлиги билан характерланади. Полисемантик сўзлар, аввало, сўзларнинг маъно юзага келтириш ҳисобига таркиб топади<sup>2</sup>. Бу ҳодиса кўпгина тиллардаги сўзларнинг семантик тараққиётида ҳам кузатилади, деб таъкидлайди И.В.Арнольд<sup>3</sup>.

Сўз ҳосила маъноси юзага келишининг барча ҳодисалари ўз аҳамиятига эга. Полисемантик сўзлар синхроник нуқтаи назардан белгиланади. Ҳамда улар сўз лексик маънолари миқдорини ошириш билан бирга полисемантик сўз таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади.

Тилшуносликда лексик маънонинг кенгайиш ҳодисасини ҳам полисемия бўлишига сабаб бўлувчи ҳодисалардан бири деб қараш ҳам мавжуд<sup>4</sup>. Аммо полисемия юзага келиши бирдан ортиқ лексик маънонинг ҳосил бўлиши эканлиги ҳолда лексик маъно кўпайишига қараб бир маънонинг ички ўзгаришидир. Сўзларнинг янги лексик маъно орттириши фақат ҳосила маъно юзага келиш ҳисобига эмас, балки эвфемизм ва дисфемизм натижасида ҳам пайдо бўлади. Энди эвфемизм ва дисфемизм тушунчаларига эътибор қаратамиз. Эвфемизм грекча *euphemismos*, *eu-yaxshi*, *rhemis* – гапираман. Нарса -ҳодисанинг анча юмшоқ формадаги ифодаси, кўпол беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол булмайдиган сўз, иборани қўллаш.

Эвфемизм ва дисфемизмлар шу тилда гаплашувчи халқ руҳиятининг ўз сўзлари лексик маъноси тараққиётида акс этиши деб қаралади. Қайси тил бўлмасин тилнинг мазкур ҳодисаси шу халқнинг удуми, дунё қараш ирим-сиримлари, умуман халқ руҳияти этиборида бўлади.

Эвфемизм ифодага ижобий ёндашувни юзага келтириш мақсадида амалга оширилади. У шу тилда сўзлашувчи халқнинг урф-одати, маданиятлиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Дисфемизм эса ифодага салбий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади. Бу эса кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ахлоқи ва ўзини тутиши билан алоқадор.

Л.А.Булаховский таъбири билан айтганда, “эвфемизм грекча еи яхши, – физм- гапираман”, яъни яхши гапираман деган маънони билдиради. Немис тилининг лингвистик луғатида эса грекча *euphemiya* (*nemischaga*) *guter ruf* деб аталиб, яхши муомала маъносида деб қайд этилган. Кўпол нарсени, ҳодисани яхши сўз билан ифодаланиши. Масалан: инглиз тилида “*bitch*” (фохиша) сўзини олсак кўпол сўз қулоққа ёмон эшитилади. Энди уни қуйидаги сўз ёки иборалар билан берадиган бўлсак, унда сўзнинг кўполлик маъносидан юмшоқроқ айтилишини кузатамиз.

*“a lady of easy virtue, a light woman, an easy woman, a real battleaxe, a house of ill family”.*

Аммо *bitch* (фохиша) сўзини қанчалик эвфемистик иборалар билан безамайлик барибир у кўполлигини, хунук сўз эканлигини ўзида намоён этиб туради. Фактлар эвфемик нутқни қуйидагича таснифлашга имкон беради.

1.Воқеликнинг табуллашиш даражасига кўра: номини айтиб бўлмайдиган, “айтиш ман этилган, партографик тушунчалар билан боғлиқ эвфемалар”. Масалан “жалаб” тушунчасини



ифодаланиши учун ишлатиладиган эвфемаларни куйидаги мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қиламиз.

- *Мулло Қозимжон, сизнинг аёлингиз сал бежсо юрадиган бўлибди (Х.Х. Ниёзий).*

- *Ўғлим, бунақа қиз экан вақтида билиб ўзингни четга олганинг яхши бўлибди (Мирмуҳсин).*

- *Маҳалламизда битта суюқ оёқ чиқибдида (Мирмуҳсин).*

- *Қимсаннинг қулогига шивирлади: хотининг ҳалол эмас (А.Қаҳҳор).*

- *Чунки у эрига бевафалик қилган, ёмон йўлларга юрган (Р.Узоқова).*

Инглиз тилида : *it is entirely populated by crooks, stock exchange jugglers, corrupt policemen and ladies of easy virtue (I.Lindsay).*

*She was a light woman, whom nobody respected (I.Lindsay).*

2.Кўркинч, совуқ, нохуш хабар ёки ўлим билан боғлиқ эфемалар. Масалан: Мурод хўжа домла билан Салимхон Иброҳимовни сиёсий идора олиб кетганли ҳақидаги хабарни эшитиб ваҳимада ўтирганларида ўрта эшик тақиллайди. Эшикни очган домла Ёқубовга “Бунақа бераҳм бўлманг. Эшик деганини занжири бўлади. Одам деган шуни шақрлатади, наҳот тарс-турс.

- *Бегим жасади ўзи қурдирган Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг ўнг қаторида дафн этилган (П.Қодиров).*

- *Ёшим йигирма еттига кирди, ҳамон ўғилга зорман. Бир эмас, икки ўғлимни қабрга кўйдим (П.Қодиров).*

Инглиз тилида *Patrich Heney has already gone to his long home Samuel adams has soon to follow.*

Эвфемизмлар семантик-грамматик шаклланишига кўра лисоний ва нуткий эвфемизмларга бўлинади.

Лисоний эвфемизмлар маъноси бирикма таркибидаги сўзларнинг реал маъносидаги англамайдиган яхлит ҳолда бир умрлик тушунча - образли маъно ифодалайдиган воситадир. Шу жиҳати билан эвфемизмлар фразема, мақол, матал каби ходисаларга ёндошдир.

Инглиз тилида “ногирон” маъносини берувчи фраземага диққат қаратамиз.

*Women you have gone too far! You are out of your senses (D.Carten) Fatherloss*

Лисоний эвфема луғавий бирлик, уни луғатлаштириш мумкин. Нуткий эвфема эса бу талабга жавоб бермайди.

Масалан: “ўлмоқ” тушунчасини ифодаловчи “қурбон бўлмоқ”, орамиздан кетмоқ каби эвфемаларни луғатлаштириш мумкин, демак, улар лисоний эвфемалар ҳисобланади.

Инглиз тилида **heck (hell),sight – deprived (blind),farm(idiot),nedy(poor)** каби эвфемалар луғат составидан жой олиши мумкин, шунинг учун улар лисоний эвфемалардир.

Тилшунос олим Анвар Омонтураев – табу ва эвфемизм ибтидоий дин,онгсиз одамларнинг таъсирида пайдо бўлган эскилик кондалари, булар йуқ бўлиб боради деган қарашлар узини оқламайди, деб кўрсатади.

Масалан: аёллар эрини “ эрим” сўзи ўрнида “дадаси”,“адаси”сўзлари билан аташади. Мана шу ходиса эвфемизм дейди олим. Яна фикрини давом эттириб шундай ёзади:

Ёш хотинлар эрини “ўртоғим” дейди, бу ҳам эвфемизм<sup>6</sup>

И.В Арнольднинг қайд этишича, инглиз тилида “cbrist “ сўзи куллаган,унинг урнида эвфимизм сифатида “cgrpes” сузи қўлланилади.

Эвфемизм ҳам, дисфемизм ҳам тил лексик қатламнинг энг тез ўзгарувчан соҳасидир.

Эвфемизмлар сингари дисфемизмлар ҳам тилда мавжуд бўлиб, унга шундай таъриф берилади. О.С Аманованинг луғатида “Дисфемизм муайян матидаги ниманидир номини маъдум даражада дағал, бетакаллуф, кўпол ном билан алмаштириб ифода этувчи тропдир ” деб шарҳлаган<sup>7</sup>

Масалан: Инсонга нисбатан “чучка”,“тунка” сўзларини куллаш дисфемизмдир. “ўлим” сўзи ўрнига “кўзига тупроқ тўлмоқ”,“асфаласофинга кетмоқ”,“ер тишламоқ”,“ернинг каърига кетмоқ”,“ёстиғи қуримоқ”,“нариғи дунёга ” жўнамоқ.



Инглиз тилшунослигида дисфемизм ҳақида ҳеч нарса берилмаган. Унинг ўрнига “slang” таҳлил этилган. Бу “slang” сўзи билан дисфемизм ўзаро дублет. Slang тушунчаси дисфемизм тушунчасига нисбатан анча кенг.

И.В Аракиннинг таъкидлашича сленгизимларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг кўпол ва хаёли, дағал ва ҳиссиётли, илтифотсиз ва хазиломузлиги ҳисобланади.

Дисфемизмлар нарса ёки кишиларнинг салбий белгиси билан аташ орқали ҳам ҳосил бўлади.

Хуллас, эвфемизм ва дисфемизм моҳиятига кўра бир хил характерга эга бўлса ҳам, ижобийлик ва салбийлик нуқтан назардан қарама – қарши ифодага эгадир.

Эвфемизм ўзгарувчан, яъни тез эскириб ўрнига янгиси ўрнига алмашиб кирадиган қатлам бўлса, дисфемизм бу хусусиятга эга эмас. Шунингдек, улар тилдаги объектив ходисалардир.

Полисемия сўз яшаш орқали ҳам юзага келади. Л.А. Булаховский префиксларнинг сўз яшаш ҳисобига ҳам кўп маъноли сўз – полисемантик сўз таркиб топади, деб кўрсатади. Сўз яшашнинг бу тури кўпроқ Ҳинд, Европа тиллари оиласига кирувчи тилларда мавжуддир. Туркий тилларда эса сўз ясовчи сўзнинг ўзагига кўшилади.

Тилшуносликда сўз яшаш орқали полисемантик сўзларнинг пайдо бўлишида икки хил сабаб бўлади.

#### 1. Экстралингвистик сабаб 2. Интралингвистик сабаб

Экстралингвистик сабаб билан полисемантик сўз яшашда ўзак ҳам аффикс ҳам ҳамма вақт бир маънода бўлиши шарт эмас.

Фақат бир – бирига алоқасиз шароит ва мақсадда бир ўзак ва аффикс билан бирдан ортик марта сўз яшаши аҳамиятлидир.

Интралингвистик сабабга кўра полисемантик сўз яшаш икки асосга эга бўлади.

А) ясовчи аффикснинг полисемантиклиги;

Б) ўзак бўлувчи сўзнинг полисемантиклиги;

Сўз яшалишида аффикснинг полисемантиклиги юзага келишида аҳамиятлидир. Масалан: Темирчи сўзига – лик аффикси кўшилса, қуйидаги лексик маъно таркибига эга бўлади.

1. *Темирчига хос фаолият . Темирчиликни севмоқ.*

2. *Темирчилик устахонаси. Темирчиликка кетмоқ, буюрмоқ.*

3. *Темирчилар устахонаси, дўкони. Темирчилик йул устида каби<sup>8</sup>.*

Шунингдек, –лик аффикси яна хусусият тепалик билдирувчи сифатлардан ўзакдан англашилган ҳолат, жой ифодаловчи белги отлардан яшаш ҳам мумкин. Полисемантик сўзларнинг манбалари сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтириши, эвфемизм, дисфемизм, ясама маънолар яшалиши билан ҳисобланади. Полисемантик сўзларнинг юзага келишида ҳосила маъноларнинг пайдо бўлиши асосий ўринда туради. Аксарият ҳолларда эвфемистик ва дисфемистик маънолар уларга тенг бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сўзлар ўз семантик таркибида қанча лексик маъно бўлишига кўра икки типга маносемия ва полисемияга бўлинади. Полисемияда сўз лексик маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ўзига хос лексик маъно типларини юзага келтиради ва улар бош маъно, асос маъно ва тобе маъно деб номланади. Полисемияда лексик маъно ўзи оид бўлган сўз қайси туркумга мансуб бўлса шу туркум вазифасини бажаради. Полисемия манбалари сифатида лексик маънонинг ҳосила маъно бериши, сўз яшаш эвфемизм ва дисфемизмлар ҳисобидан бўлади. Чоғиштирилаётган инглиз ва ўзбек тилларида полисемантик сўзларнинг манбалари деярли бир хилда. Полисемантик сўзлар тил бойлиги ҳисобланиб, улар ушбу бойликнинг сифатли қатламидир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.Ўқитувчи 1985. Б.69
2. Миртожиев М. Ўзбек тили семасологияси - Т. «Мумтоз сўз» нашриёти, 2020.
3. Арнольд И.В. The English world- М. 1973. P-36.
4. Буранов Ж, Муминов А. A practical course in English lexicology. – Т. «Ўқитувчи», 1990.
5. Анвар Омонтурдиев. Профессионал нутқ эвфемикаси. (Чорвадорлар нутқи мисолида). Филология фанлар доктори. – Т. 2009-50б.
6. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов- М. 1966 «Издательство СЭ» : -60бс